

«Askiya dehqon bozori» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н Идан кўчирма

2023 йил 29 март

Тошкент шаҳри

Соат 11-00

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй.

Акциядорларининг 2022 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52 а уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2023 йил 29 март кунини ўтказилди. Йиғилишда 593195 овозга эга акциядорлар катнашди, бу жами акциядорларининг 96,09 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 96,03 %га эгаллик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Ирқинович катнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари,

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиғи “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси.

Юнусалиев О. – «Аския дехкон бозори» АЖ директори в.б.,

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Бойматова Гузал.

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Ибрагимова Гулчехра, Мақсудходжаева Малика, Суюндиқова Севара Асатилло кизи.

Йиғилишга «Аския дехкон бозори» АЖнинг қузатув кенгаши аъзоси Д.Ганиев раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамият ижроия органи ва қузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш.

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

6. Жамият директорини сайлаш.

7. Жамиятнинг Қузатув кенгашини сайлаш.

8. Жамиятда ўтказилган Корпоротив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

10. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг "Кузатув кенгаши ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги таҳрирда тасдиқлаш.

Ингилиш регламенти куйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзгачиқувчиларга 5 минутгача.

Ранелик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Аския деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 593195 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф . 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан "GREAT FOURS" аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2023 йил 13 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси инобатга олинсин. (Ёқлаган 593195 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 593195 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб-варағи тасдиқлансин.

4.1. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин. Жамиятда 2011 йилда бўлган текширув натижасида жамият ҳисоб рақамига йирик миқдорда солиқ тўловлари ва молиявий жарималар натижасида кўйилган К-2 ҳозиргача турганлиги, жумладан, бугунги кун 2023 йил 01 январ ҳолатига жамиятнинг солиқдан 3418843,0 минг сўм, электр энергиясидан 350703,0 минг.сўм, Яккасарой Махсустрондан 2376 минг.сўм, жами бўлиб, 3.771.922 минг сўм қарздорлик бўлганлиги сабабли жамият томонидан акциядорларга дивиденд тўлаш имкони мавжуд эмаслигини инобатга олиниб, 2022 йилда олинган 5112,0 минг соф фойданинг 10% қисми яъни, 511,2 минг.сўми жамиятнинг захира жамғармасига ажратилсин ва қолган 90% қисми, яъни 4600,8 минг сўм жамиятнинг тўлов қобилиятини тиклашга йўналтирилсин (ёқлаган 593195 -100 %, қарши - 0-0%, бетараф 0-0%);

5. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 593195 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6. Жамият директори этиб Юнусалиев Одил Ахматжонович сайлансин. (Ёқлаган 593195– 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

6.1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ЎРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори О.Юнусалиевнинг меҳнат шартномаси уч йил муддатга тузилсин

6.2. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқиладиган ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

7.1. Расулов Камолиддин Райимбердиевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593195 та овоз

7.2. Арифов Равшан Абдуллаевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593195 та овоз

7.3. Алимов Иномжон Саиткулович (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593195 та овоз

7.4. Касимов Миршахрух Шавкатович (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593195 та овоз

7.5. Ганиев Дилмурод Ирқинович (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593195 та овоз

7.6. Каримов Сардор Юлдашбаевич (жамият устав фондининг 96,03 % акциядори ҳокимият вакили) 593195 та овоз

7.7. Каримов Ғофиржон Рузиқулович (мустақил аъзо) 593195 та овоз

8. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 593195 та овоз – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

9. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT WON” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 5.500.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган 593195 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

10. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин. (Ёқлаган 593195 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг янги таҳриридаги «Кузатув кенгаши Низомини» тасдиқлансин. (Ёқлаган 593195 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

Баённома имзоланган сана: «07» апрел 2023 йил.



Ийгилиш раиси

Д.Ганиев

Котиба

*Ассалом
тузун.
Васеми*

Г.Бойматова